



ЎЗБЕК
АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА
ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН
МУАММОЛАРИ

*Республика
илмий - назарий анжумани
материаллари*

Ф.ИМОМОВА.	Она образи ва тил бадийати.....	168
Т.АШУРОВА,		
С.МУМИНОВА.	Эшқобил Шукур ижодида халқ поэтик услуби.....	169
Б.РИЗАЕВ.	Ҳажвий тип табиати ҳақида.....	171
Ғ.ШОДМОНОВ.	“Фарҳод ва Ширин” қўлзма манбаларининг матний тафовутлари.	174
О.АВАЗНАЗАРОВ.	“Лисон ут-тайр”да туш мотиви.....	176
С.ЁҚУБОВА.	Публицистик ифода соғинчи.....	178
Н.ҚУРБОНБОЕВА.	Шойим Бўтаевнинг “Шох” романида сюжет ва композиция яхлитлиги.....	180
З.ОҚБОЕВА,		
П.ҚУРБОНОВ.	Инглиз адабиётида романтизм.....	182
З.НОМОЗОВА.	“Ҳазойину-л-маоний”да жанрлар таснифи масаласи.....	183
С.ЖЎРАЕВА.	Хусан Муродбек Оқил девони.....	186
И.НУРМУРОТОВ.	Мусаллас ва учликларда шаклий изланишлар.....	187
Н.ЧЎЛИЕВА.	Х.Дўстмуҳаммад ва Ш.Бўтаев киссаларида собиқ давр зиддиятлари тасвири.....	188
✓ Х.КАРИМОВА.	Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида ишқ талқини.....	189
✓ Б.ДАВЛАТОВА.	Ўзбек драматургиясида бадий-эстетик такомиллашув омиллари..	191
М.САНАЕВ.	Абдулла Ориповнинг арузда ёзилган шеърлари.....	193
Н.МУСУЛМОНОВА	Тоҳир Малик бадий асарларида нутқ ва нутқий вазият.....	194

Х. Дўстмуҳаммад ва Ш. Бўтаев ижодидаги қуйида таҳлил этилажақ қиссаларини ҳам киритиш мумкин. Мазкур асарлар ўзининг ана шу жиҳати билан бир-бирига яқиндир:

Хусусан, ёзувчи Х. Дўстмуҳаммад ижодида собиқ ижтимоий-сиёсий давр (шўролар даври)нинг инсонлар ҳаётидаги асорати яқка шахслар тақдирини ёритиш орқали акс этади ҳамда муаллиф бу жараёнда асосий этиборни образлар руҳиятига қаратади. Адибнинг „Сўроқ“ қиссасида тарихимизда „пахта иши“, „ўзбек иши“ дея ном олган ижтимоий-сиёсий воқеанинг инсонлар ҳаётида, айниқса, руҳиятида салбий жараёнларни вужудга келтирганлиги ўзига хос тарзда очиб берилади. Муаллифнинг нияти қиссанинг бош қаҳрамони- Бозор қиёфасида бутун миллатни, бу миллатнинг сиёсий қарамлиги оқибатларини кўрсатмоқчи бўлади. Бозор образи талқинида шахснинг собиқ тузум ичида қандай ҳолларга тушганини, унинг ҳам моддий, ҳам маънавий таназзулини ифодалайди. Муаллиф сўроқлардан кўрқувга тушган Бозорнинг ҳолатини тасвирлар экан, бу орқали инсоннинг баъзи вазиятлар қаршисида, умуман, собиқ жамиятдаги салбий мафқуралар оқимида қандай ҳолга тушганини, эркинликнинг ҳаётини зарурат эканлигини акс эттиради.

Адибнинг „Оромкурси“ қиссасида эса инсоннинг шон-шухрат, амал-лавозимга ружу (!) кўйиш ҳолати тасвирланади. Қисса қаҳрамони – Кўклам бир ёқлама образ эмас, албатта. У мураккаб образ. Сабаби у оромкурсига „ошиқ“, аммо бу „ошиқлик“нинг ноўринлигини, ноқоиизлигини жуда яхши билади, жуда яхши англайди. Била туриб бу „ошиқлик“дан воз кеча олмайди. Биз бу жараёнда Кўклам образига салбий фикр билдира олмаймиз, уни айблай олмаймиз, албатта. Сабаби у собиқ ва сохта мафкура шакллантирган шахс. Аввало, унга инсон сифатида ёндашмоқ керак. Юқорида таъкидлаганимиздек, у амалпарастликнинг оқибатини тўғри хис эта олади, амалнинг „бевафо“лигини ҳам билади, шунинг учун оромкурсини тўққизинчи қават деразасидан ташламоқчи бўлади. Аммо бундай қила олмайди ва курси ўрнига ўзини пастга ташлайди. Демак, таҳлилдан шу англашиладики, адиб бу каби собиқ ижтимоий-сиёсий воқеликлар, аввало, инсонлар руҳияси ва фаолиятига таъсир этишини теран ифодалайди.

Ёзувчи Ш. Бўтаев қаламига мансуб асар „Эски арава“ қиссасида ҳам шўро даври мафқурасининг аянчли оқибатлари тасвирланган. Асарда муаллифнинг нафақат замон тасвири, балки унинг ўша даврга бўлган муносабати (ассоциатив тафаккур тарзи) ҳам ўз ифодасини топади.

Адибнинг „Эски арава“ қиссасида шўроларнинг „руслаштириш“, яъни миллатларни тугатиб, шафқатсизларча уларнинг ўтмишини, миллий маданияти-ю, соф маънавиятини йўқотиб, бошқа миллат (рус) га айлантиришга қаратилган сиёсатнинг нақадар салбий жараён эканлиги акс этади. Қиссада Павел Иванович Чичиков, Селифан, Петрушка, Собакиевич каби образлардан ташқари Нишонбой Хурзамонович образи ҳам бўлиб, у ўша „хур замон“нинг „нишони“га айланган, ётларга бош эгиб, мутелигини ҳеч уялмай намоён этивчи лаганбардор, ўзлигини йўқотган билимсиз, лўттивоз бошлиқ сифатида тасвирланади. Асарда, ҳатто, ўзларининг ҳаётдаги позициясини ҳам билмайдиган, кўр-кўрона дуч келган мафкурага эргашадиган бу каби аянчли, маънавиятсиз одамлар собиқ даврнинг маҳсули эканлигига ҳам ургу берилади.

Дарҳақиқат, мазкур қиссалар собиқ даврнинг, бутун бир халқнинг моддий ва маънавий ҳаётига келтирган салбий оқибатлари ўзгача бўёқларда акс этганлиги билан ҳам характерлидир.

Адабиётлар

1. Х. Дўстмуҳаммад. Қиссалар. Т., „Шарқ“, 2011.
2. Ш. Бўтаев. Ҳаёт. Т., „Шарқ“, 2000.

ФУЗУЛИЙНИНГ „ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН“ ДОСТИНИДА ИШҚ ТАЛҚИНИ

*Хуррият Каримова, магистрант, ҚарДУ,
Илмий раҳбар: ф.ф.н. Ш. Қаҳҳорова*

Нутқимизда ишқ, муҳаббат, севги, ошиқлик каби сўзлар қўлланиб, уларнинг асосий маъноси кўнгилнинг маҳбуб томон кучли иштиёқ билан интилиши тушунилади. Муҳаббат «хиббэ» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғда бўлганидек, диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи ва дарахти ҳам муҳаббатдир [3:303]. Аллоҳга бўлган ишқ ибодатнинг асосини ташкил этиши тасаввуфнинг узок тарихига

бориб тақалади. Жумладан, илоҳий ишқ тушунчасини биринчи бўлиб машҳур суфий аёл Робия Адавия олиб кирган. У Аллоҳни фақатгина Аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз борлигини Аллоҳнинг борлигида фано қилиш ва шу орқали Аллоҳнинг жамолига эришиш ғояларини илгари сурган. У доимо маҳзун ҳаёт кечириб, кеча-кундуз кўз ёши тўкса-да, унинг йиғиси жаҳаннам азобидан кўрқиб туфайли эмас, балки Аллоҳга бўлган ишқ-муҳаббатидан эди. Робия Адавия илгари сурган илоҳий ишқ қараш асрлар мобайнида тасаввуф адабиётининг бош мавзусини ташкил этибгина қолмай, тасаввуф фалсафасида ҳам муҳим ўрин тутди. Бу туйғунинг фалсафий асосларини Аҳмад Ғаззолий тасаввуф илмига назария сифатида тадбиқ этди. Нажмиддин Кубро ишқ, муҳаббат хусусида тўхталиб: “Муҳаббатнинг интихоси ишқнинг ибтидоси эрур. Муҳаббат қалб учун, ишқ эса рух учундир”, шунингдек, “*Ҳақ сифатларининг мушоҳада этилишига муҳаббат, Ҳақ феъллари нурининг идрокига ишқ ва Ҳақ зот нурининг мушоҳадасига унс дейилмиш*” деб таъкидлайди. Алишер Навоий эса ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида: “*Ишқ ахтаредур дурахшанда, башиарият кўзи нур ва сафоси андин ва гавҳаредур рахшанда, инсоният тожсининг зеб ва баҳоси андин*” деб таъриф беради ва бу ҳолатнинг уч “маротиби” - авом ишқи, хавос ишқи ҳамда сиддиқлар ишқини санаб ўтади [2:66]. Тасаввуфшунос Н.Комилов эса Алишер Навоий қўллаган “маротиб” сўзига диққатни қаратиб, бу атама тариқат аҳлининг истилоҳларидан бўлиб, у солиқнинг руҳий-маънавий тараққиёт даражасини белгилашга айтиб, қуйидаги ҳулосаларга келган: 1) Пок муҳаббат ҳар қандай жисмоний лаззатлардан холи бўлиши керак. 2. Бундай ишқ фақат “аҳли сулук” – комил инсонларга хос. 3. Улар Илоҳ жамоли зухур этган (“мазҳар”) кишиларни севиши мумкин. 4. Бу “мазҳар”ни беҳад сидқ ва дарду ошиб билан севиш орқали ҳақиқий ишқдан баҳра оладилар [1:217]. Шундай ишқнинг адабиётда тасвирланишини Навоий “*ҳақиқат асрорини мажоз тариқи билан*” куйлаш деб таърифлайди. Озарбайжон юртининг буюк шоири Муҳаммад Фузулийнинг “*Лайли ва Мажнун*” достони моҳияти ҳам шу “мажозий ишқ”нинг тараққий этиб, “*ҳақиқий ишқ*”га айланишини образлар орқали кўрсатиб бериш ташкил этади.

Фузулий достонида ишқни уч хил талқин қилиш мумкин: илмий (тасаввуфий), дунёвий ҳамда бадий. Илмий талқинга кўра Ишқ тасаввуфнинг энг муҳим мақомларидан биридир. Унга фақат комил инсон эришади. Бу мақомда ошиқда шундай руҳий ҳолат юз берадики, у ўзидан бегона, ноогоҳ, замону макондан озод, маҳбуб фироқида куяди, ёнади, унга етишишга интилади.

Муҳаммад Фузулий ишқни фақру фанога етишувда солиқнинг энг муҳим руҳий-маънавий тараққиёт босқичларидан бири сифатида изоҳлайди. Унга кўра Мажнун – Ҳақ жазбаси теккан, Ҳақ жамолини кучли шавқ билан соғинган мажзуб ошиқ солиқ тимсоли бўлса, Лайли илоҳий тажаллиёт нури порлаган мазҳар – ёр тимсоли. Фузулий солиқ Мажнунни туғилиши билан шарият босқичини босиб ўтган, тариқат йўлига қадам қўйган, туғма “*зотинда чу вор эди муҳаббат*” сифатида тасвирлайди. Доя аёл пир тимсоли бўлиб, “*аҳли ҳол*” вакили. “*Эй ишқ, гарибни олим ўлдур, Оворсин водийи гам ўлдур*” деб йиғлаб турган “*тифли зор эдар ишқ*”ни аҳволидан огоҳ бўлиб, уни “қон”дан поклайди ва тарбия беради. Бу ерда қон нафс тимсоли. Демак, пир солиқни хайвоний нафсдан кутулишига ердам беради:

*Чун тарбияти адиби доя,
Верди асари тамом ул оя.
Кун-кундан эдиб камол ҳосил,
Ул моҳи нав ўлди бадри комил [4:21].*

Мажнун ўн ёшга етганида “*Итмома этиб тарийқи суннат, таълими улума етди навбат*”. Демак, солиқ маърифат босқичига етди. Мактабда “*ул қизлар ичинда бир паризод, Қайс ила муҳаббат этди бунёд*”. Энди Мажнун ошиқ солиқка айланади.

*Маҳвашимдан, дўстлар, даврон жудо истар мани,
Душманимдур, ҳеч билман нетмишам даврон ила.
Етса гар ошиқларнинг афлок афғони, на суд,
Етмак ўлмаз моҳвашлар васлини афғон ила [4:37].*

Бу дунё нафси аммора тимсоли бўлиб, ошиқ солиқнинг асосий мақсади – ваҳдат ул- вужуддан чалғитувчи душман. Фақат осмону фалакка етадиган оху нолалар билан маҳваш васлига етиб бўлмайди. Балки, солиқ ишқдан ташқари маърифат, истиғно, тавҳид каби босқичлар талабини ҳам бажариши лозим.

*Ул икки суманбару саҳи қад,
Бир-бирига улдилар муқайяд.
Ул икки хароби бодан завқ,
Бир жомдан ичдилар майи шавқ* [4: 25].

Лайли Ҳақ тимсоли. Бу байтда Мажнун-солик руҳий камолда юксакликка эришган, Ҳақ сифатларига эга бўлаётган, шавқ ва илоҳий маърифатга доҳил бўлаётган ориф ботини тасвирланади.

Фузулийнинг буюклиги шундаки, у бу ишқни тасаввуфдаги ишқ сифатида изоҳлаб келиш билан бирга дунёвий ишқ, инсонларга бўлган муҳаббат сифатида ҳам талқин қилишга эришган. Ишқ дунёвий талқинга кўра инсоннинг яхши ният ва орзу сари интилишлари тушунилади. Ишқ – камолот калити, ишқ мис вужудимизни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ одамни ҳайвонликдан халос этади. Одамизод наслини бадбахтлик, фалокатлардан куткаради, барча иллатларнинг давоси ҳам ишқ.

Шоир дostonда Ишқ ўтида ёнаётган Мажнуннинг ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқларни, жонини фидо қилиб бўлса ҳам, енгилга қодир қомил инсон сифатида тасвирлайди. Бу инсоннинг ақл-иродасига, матонат ва саботига, қудратига берилган юксак баҳодир.

Тасаввуфшунос Нажмиддин Комилов пок инсоний муҳаббат ва илоҳий ишқни бир-бирига зид кўйиш нораво, аксинча улар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан ўсиб чиқадиган фазилат деб қарайди [1:216].

Бадий талқинга кўра, Мажнун – ишқ тимсоли, Лайли – Хусн. Фузулий дostonнинг “Бу тўғроғ мисоли муҳаббатдур ва дебонаи девони меҳнатдур” бобида Мажнунни

*Ишқ эдики, ўлди хусна моил,
Хусну на бишурди тифли гофил.
Маълум эди аҳли ҳола ул ҳол –
Ким, нухсан ишқ бу тимсол* [4:210].

деб атайди. Хусн ва ишқ ҳар доим бир-бирига ингилиб яшайди.

*Лайли дема – авжи хусна бир маҳ,
Мажнун дема – мулки ишқ бир шоҳ* [4:36].

Ишқ-муҳаббатни шоир юксак баҳолаб, шундай дейди:

*Камоли ишқи инсон мавт шандур роҳи ҳикматда,
Бале, мужро қилан ҳукмин мисолин нақши хотандур* [4:171].

Ишқ – олов, олов – маъно, олов – Ҳақ ишқиде ёнган кўнгил дарди. Демак, ишқ моҳиятга олиб боради. Шу боис Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonини инсон тафаккурини оловлантириб, илоҳий моҳиятни англаш сари олиб борадиган Ишқнинг тафсири деса бўлади.

Адабиётлар

1. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: “Ёзувчи”, 1996.
2. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: “Фан”, 2001.
3. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. –Тошкент: “Фан”, 2001.
4. Фузулий. Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1988.

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ТАКОМИЛЛАШУВ ОМИЛЛАРИ

*Бибинур Давлатова, магистрант, ҚарДУ,
Илмий раҳбар: ф.ф.д. Н.Шодмонов*

Драматургиямизнинг дастлабки паллаларида маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланувчи адабиёт соҳасидаги ҳақсизлик ҳамда бемаврид, улкан йўқотишларга қарамай, маънавий қадриятларимиз хазинасига кира олувчи бадий-эстетик бойликлар яратилди, муайян анъаналарга муяссар бўлинди. Ана шу маънавий бойлик-қадриятлар занжирида 20-йиллар драматургияси ўзининг муносиб ўрнига, кўпгина анъаналар қарор топиши учун негиз тоши вазифасини ўташ шарафига муяссар бўлди. Хусусан, Ҳамза драмаларидаги диалоглар жараёнида халқчил руҳдаги ибораларнинг моҳирона қўлланиши китобхонда бадий-эстетик завқ уйғотади.